# «Ўзбекистон темир йўллари»: ЭЪТИБОР, ИЗЛАНИШ ВА САМАРА



## Асрга татигулик ютуқлар

*Келинг, саёҳатимизни яқин тарихдан бошлай қолайлик. “Тараққиёт локомотиви”дан ташқарига қарар эканмиз, мўъжизаларга қиёсланадиган улкан бунёдкорлик ва қурилиш ишлари маҳсуллари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Булар — “Аср мўъжизаси” дея номланган, яъни 1800 метр баландликдаги тоғ қояларини кесиб ўтган “Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон”, Қизилкум бағридаги 342 километрлик “Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус” йўналишидаги темир йўл линиялари ва ҳоказо кабилардир.*

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан бевосита боғловчи 681 метрлик ноёб кўприкнинг қурилиши натижасида эса маҳаллий ва халқаро юкларни ташиш ҳажми ошган бўлса, “Навоий” эркин иқтисодий-индустриал зонаси логистика маркази иштирокида интермодал ташувлар йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, 114 км. узунликдаги “Тўқимачи — Ангрен” темир йўл участкасини электрлаштириш ишлари тўлиқ тугатилгач, унинг ўтказиш қуввати 1,4 баробар ортиб, атроф-муҳитга чиқаётган зарарли чиқиндилар ҳажми 1,5 баробарга қисқартирилди

Дарвоқе, 2009 йилда “Тошкент — Термиз” поезди қатнови йўлга қўйилгани ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Нега деганда, бу йўловчиларнинг вақтини 5 соатга тежаш баробарида, минтақада ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш учун кенг имкониятлар эшигини очди. Ҳудуддаги ер ости фойдали қазилма конлари яқинида экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослаштирилган объектлар бунёд этилаётгани, Деҳқонободда калийли ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳа рўёбга чиқарилаётгани, Бойсун ва бошқа туманларда ижтимоий, маданий-маиший бинолар — мактаблар, спорт мажмуалари, тураржой иншоотлари қурилиши давом эттирилиб, аҳоли бандлиги таъминланаётгани бунга мисол бўла олади. Шуларга уйғун тарзда соҳа ходимларининг ижтимоий ҳимоясига компания томонидан доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

— Шубҳасиз, бунда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 5 ноябрдаги “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК пассажир локомотивлари паркини янгилаш. “Пассажир электровозларини харид қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда темир йўл тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш комплекс дастури муҳим омил бўлди, — дейди “Ўзбекистон темир йўллари” компанияси бош менежери-бош муҳандиси Хусниддин Ҳосилов. — Бу эса, ўз навбатида, темир йўл линияларининг инфратузилма объектларини қуриб битказиш, электрлаштирилган икки йўллик “Жиззах — Янгиер” ва бир йўллик “Янгиер — Фарҳод” янги темир йўлларини қуриш, “Мароқанд — Қарши” темир йўлларини электрлаштиришга замин яратди.

Яқинда эса юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатновини ташкил этиш лойиҳасининг навбатдаги босқичи — “Янги Янгиер — Даштобод” участкасида электрлаштирилган темир йўл тармоғини қуриш ишлари ҳам ниҳоясига етказилди. Бу жараёнда 4 та кўприк, 189 та сунъий иншоот, 148 та сув қувури, 40 та сув ўтказгич ва битта туннель шаклидаги темир йўл ўтказгич, турли кучланишдаги электр узатиш линиялари, мураккаб муҳандислик қурилмалари бунёд этилди.

Умуман олганда, мустақиллик йилларида мамлакатимизда 956 км.лик темир йўл, бири-биридан мураккаб муҳандислик ечимига эга 94 та кўприк қурилиб, фойдаланишга туширилгани асрларга татигулик ютуқлар эмасми?!

Айни чоғда янги локомотивлар ва юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи электропоездлари харид қилинди. Локомотив секциялари, юк ва йўловчи вагонларини модернизациялаш, янгиларини қуриш каби лойиҳалар самарали бажарилди. Натижада халқ хўжалиги корхоналари ва аҳолининг темир йўл хизматларига бўлган талабларини тўла қондиришга эришилди.

Яна бир қувонарли жиҳати шуки, ўзимизга хос ривожланиш моделининг узвий қисми — Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилаётган усти ёпиқ, яримвагон ва вагон-хоппер, шунингдек, турли русумдаги цистерналарга хорижда ҳам талаб тобора ўсиб бормоқда.

### Факт ва рақамлар:

### 2011 йилда:

● мамлакатимиз бўйича 15,9 миллион нафар йўловчи ўз манзилига етказиб қўйилди. Шунга мос равишда йўловчи айланмаси 3 миллиард 39 миллион йўловчи-километр (104,6 фоиз)ни ташкил этди.

● ***“Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компанияси бекатларидан 59,6 миллион тонна юк жўнатилиб, юк айланмаси 22,5 миллиард тонна-километрга етди. Бу 2010 йилдагига нисбатан 10 фоиз кўпдир.***

● тизимга қарашли саноат корхоналарида 44 та локомотив секцияси модернизация қилиниб, 1430 та юк ва 57 та йўловчи ташиш вагони таъмирланган бўлса, 250 та юк ва йўловчи ташишга мўлжалланган 13 та вагон янгидан қурилди.

● ***умумий узунлиги 90 километрлик йўллар реабилитация қилиниб, 150 та йўл ўтказгич алмаштирилди.***

● “Afrosiyob” поездлари қатновини ташкил этиш лойиҳаси бўйича 150,29 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди. Жумладан, умумий узунлиги 135 километрга тенг янги электрлаштирилган темир йўл қурилиши ниҳоясига етказилиб, юзлаб иш ўринлари яратилди.

## Обод бекатлар чиройи

*“Тараққиёт локомотиви”да илгарилаб борарканмиз, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кейинги йилларда юртимизда темир йўл тизими нафақат “темир излар” ва кўприклар, тезюрар поездлар тимсолида ривожлангани, балки бутун бир инфратузилма, шу жумладан, вокзаллар тубдан янгича қиёфа касб этгани, ободонлаштирилганига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Бундан мезбону меҳмонлар — барчанинг баҳридили очилганига гувоҳ бўламиз.*

**— Ўзбекистон, ҳақиқатан ҳам, гўзал ва жадал равнақ топаётган диёр экан. Поездда сайр қилишни ёқтираман. Тошкентда таълим бўйича бўлиб ўтган йирик халқаро конференцияда иштирок этиш асносида Самарқанд, Бухоро каби жаҳон тамаддуни марказларига саёҳат қилдим. Темир йўл вокзаллари, терминаллари энг тараққий этган давлатларникидан асло қолишмаслигига гувоҳ бўлдим.**

**Андре ЕВРЙЕ,**
**Париждаги “Panteon Sarbonna” университети вице-президенти.**




Дарҳақиқат, ҳозирги кунга келиб, нафақат пойтахтимиздаги, балки бошқа ҳудудлардаги бекатлар ҳам замонавийлаштирилди, мавжудлари қайта реконструкция қилинди. Масалан, Андижон, Наманган, Марғилон, Қарши, Бойсун, Навоий, Урганч, Қизилтепа, Самарқанд, Гулистон каби шаҳарларда кўркам мажмуалар ишга туширилди, 30 та шаҳар ва туман марказлари вокзаллари янгича кўриниш касб этди.

*Бугунги кунда тармоқ тасарруфида Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкент темир йўл муҳандислари институти, учта касб-ҳунар коллежи фаолият юритмоқда. Ушбу даргоҳларда давлат таълим андозалари асосида замонавий билим бериш йўлга қўйилган.*

## Малакали кадрлар — соҳа таянчи

Мустаҳкам моддий-техник база — мукаммал жиҳозланган аудиториялар, ахборот-ресурс марказлари, спорт заллари ўқувчи-талабаларнинг илғор педагогик технологиялар асосида соҳа сир-асрорлари ва инновацион ютуқларини чуқур ўрганишлари, маънан ҳамда жисмонан баркамол вояга етишлари учун хизмат қилмоқда.

Яқинда пойтахтимизда катта муваффақият билан якунланган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари ҳам буни алоҳида эътироф этдилар.

*— Ўзбекистонда ҳар йили давлат бюджетининг катта қисми ижтимоий соҳалар, шу жумладан, таълимга ажратилмоқда. Ушбу маблағ мақсадли сарфланаётгани ва бунда инсон капиталига инвестиция йўналтириш устуворлик касб этаётгани эса ҳозирги глобал рецессия пайтида ноёб ҳамда долзарб тажрибадир. Мен ҳам умумий, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизимингиз билан яқиндан танишдим. Айниқса, Тошкент темир йўл муҳандислари институти ва темир йўл касб-ҳунар коллежининг гўзал қиёфаси, изчил фаолияти, пухта базаси, у ерда ишлаётган устоз-мураббийлар, талабалар салоҳиятидан катта таассурот олдим. Бинобарин, юртингиз билим даргоҳларида бугунги бозор иқтисодиёти талабларига мос мутахассислар тайёрланаётгани боисини янада чуқурроқ англаб етдим. Бу эса Президентингиз томонидан ҳаётга жорий этилган коммуникация ва транспорт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган миллий стратегиянинг узвий қисмидир. Аёнки, мазкур дастур темир йўл, логистика каби мамлакат ривожида асосий ўрин тутадиган йўналишлар равнақида катта роль ўйнаши, шубҳасиз.*

**Корнели ЛАДАЖ,**
**«Фонтис» университети профессори,**
**«Intertwine Consultancy» нодавлат ташкилоти раҳбари (Нидерландия).**

## Уммонлар сари дадил қадам

Қўшни Афғонистон Ислом Республикасида умумий узунлиги 106 км.ни ташкил этувчи ва барча инфратузилмалар билан жиҳозланган янги иккита темир йўл бекати, иккита разъезд, электр таъминоти, телекоммуникация ва сигналлаштириш иншоотлари ҳамда мосламаларни қуриш ишлари якунлангани ҳам диққатга сазовордир.

***— Ўзбекистон томонидан минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман...***

***...“Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компанияси Афғонистон тарихида биринчи марта темир йўл тармоғини мисли кўрилмаган қисқа муддатларда, бюджет маблағлари доирасида юқори сифат стандартлари асосида барпо этди.***

**Харухико КУРОДА,**
**Осиё тараққиёт банки президенти.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

*Сайр асносида, табиийки, ҳамюртларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан ҳам қизиқдик.*

*— Нимасини айтай, — дейди сирдарёлик отахон Бозорбек Ҳакимов. — Бир пайтлар тасаввуримизга ҳам сиғдира олмайдиган улкан орзулар ушалди. Ўз ҳаётимдан мисол. Вилоятимиз ҳудудидан ўтган темир йўл атрофи илгари кўзга жуда хунук кўринарди. Чиқиндихона бўлиб ётарди-да. Ҳозир-чи? У ердаги ўзгаришларни кўриб, бир қувонаман денг.*

## Эзгу орзулар ижобати

Чиннидек топ-тоза, айниқса, темир йўл четларига аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун текис тўсиқлар тортилганидан ҳамма мамнун. Кўчамизга чиқиб, шамолдек елиб ўтаётган поездларни кўрсам, шундай замонда яшаётганимга шукроналар айтаман. Юртбошимиздан мингдан-минг розимиз.

— Тезюрар поездга “Afrosiyob” номи берилгани айни муддао бўлибди, — дея фикрини биз билан ўртоқлашади сурхондарёлик Тўрақул бобо Ҳамроев. — Кўҳна тарих қаъридан ёрқин истиқбол чўққилари сари жадал илдамласин, деб шундай аташганда. Бундай поездлар келгусида биз тарафларга ҳам келишини эшитиб, ўзимизда йўқ хурсанд бўлдик. Унда бир сайр қилишни дилимга тугиб қўйдим, болаларим. Юртбошимизнинг боши омон бўлсин!

Маълумки, Ўзбекистон ҳукумати билан ОТБ ўртасида яқинда 508 миллион АҚШ долларига тенг тўртта заём имзоланди. Улардан бири — 100 миллион долларлик битим бевосита 2011 — 2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури доирасидаги “Мароқанд — Қарши” участкасида темир йўлларни электрлаштириш билан боғлиқ. Шунингдек, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан “Қарши — Термиз” темир йўл участкасини электрлаштириш мақсадида 221 миллион АҚШ доллари қийматидаги заём ажратилишини кўзда тутувчи заём битими имзоланди. Бу — юқори суръатли, замонавий қулайлик ва сервисни ўз ичига олган электропоездлар Самарқанддан ўтиб, Бухоро ва Қарши, сўнгра Термизга ҳам етиб боради, деганидир!

Буларнинг барчаси юртимиз равнақи, элимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётгани ғоятда аҳамиятлидир.

**Сувонқул РУСТАМОВ,**
**Саиджон МАХСУМОВ.**

# ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

БМТ билан мамлакатимиз ҳамкорлигининг асосий йўналиши фаол сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг ташкилот Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қатнашиши орқали мазкур сиёсий мулоқотга тамал тоши қўйилди ҳамда Юртбошимиз илк бор мустақил Ўзбекистон ва унинг имкониятларини халқаро ҳамжамиятга эълон қилди. Ўша сессияда Президентимиз БМТ ҳақида шундай таъриф келтирган эди: “Бизнинг тасаввуримизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир. БМТ — бу халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонасидир”. Ана шу ишонч туфайли ҳам Ўзбекистон мазкур ташкилот билан, мана, йигирма йилдирки, изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Мамлакатимизнинг ЮНИСЕФ ҳамда ЮНЕСКО билан амалга ошираётган лойиҳалари алоҳида эътиборга молик. Масалан, ЮНИСЕФ ҳамкорлигида болалар саломатлигини асраш, улар орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, эмлаш, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Тошкентда ташкил этилган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиум мамлакатимиз тиббиётида эришилаётган ютуқларнинг яна бир эътирофи бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ҳамкорлигида ўтказилди. Ушбу нуфузли тадбирда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Бош директори Маргарет Чен иштирок этиб, симпозиум натижалари Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилиши билан аҳамиятли эканини қайд этди. Президентимиз Фармонига мувофиқ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш ва бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ривожлантириш, Хотин-қизлар ва болалар соғлиғини сақлашнинг глобал стратегиясини амалга ошириш борасидаги улкан хизматлари учун Маргарет Чен I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланди.

Фан, таълим ва маданият соҳаларини ривожлантириш, қадимий обидаларни асраб-авайлаш борасида ЮНЕСКО билан муносабатларимиз самарали йўлга қўйилган. Ўтган давр мобайнида бир қатор қадимий шаҳарларимиз ва буюк аждодларимизнинг юбилей тадбирлари мазкур халқаро ташкилот ҳамкорлигида нишонланди. Анъанавий “Шарқ тароналари” халқаро фестивали ҳам ЮНЕСКО билан биргаликда ўтказиб келинади. Яна бир диққатга сазовор жиҳати, Ўзбекистон Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро Конвенцияни ҳам ратификация қилган. Шу асосда Наврўз байрамимиз, “Катта ашула” қўшиқлари, Бойсун тумани фольклори ва “Шашмақом” Башариятнинг номоддий мерослари рўйхатидан ўрин олди. Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида Умумжаҳон маданий меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Яқинда пойтахтимизда ташкил этилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзуидаги халқаро конференцияда БМТ Бош котибининг ўринбосари Нойлин Хейзер иштирок этди. Юксак мартабали меҳмон Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида қилинган ишларга юқори баҳо берди.

Давлатимиз раҳбари ўтган давр мобайнида тўрт марта (1993 йил сентябрь, 1995 йил октябрь, 2000 йил сентябрь, 2010 йил сентябрь) БМТ минбаридан туриб, халқаро аҳамиятга эга бўлган долзарб масалаларни кўтариб чиқди. Хусусан, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш, Афғонистонга қурол олиб киришга эмбарго қўйиш, афғон муаммосига ечим топишга қаратилган БМТ шафелигида “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил қилиш, БМТ қошида терроризмга қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш сингари ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан жуда катта қизиқиш билан кутиб олинди. Масалан, “6+3” мулоқот гуруҳининг аҳамияти шундаки, унинг юзага келиши афғон муаммоси ҳарбий йўл билан эмас, балки сиёсий, дипломатик воситалар орқали ҳал қилинишига имкон яратади.

Ўзбекистон БМТнинг бир қатор конвенцияларини ратификация қилган. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Мамлакатимизда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши эса кўзга кўринган сиёсатчилар, экспертлар ва қатор нуфузли ташкилотлар вакиллари томонидан юксак баҳоланди. Мазкур қонун халқаро миқёсда энг долзарб масала бўлиб турган муаммога қарши курашиш, ундан жабрланганларни ҳимоялашда муҳим босқич бўлди.

Юртбошимиз кўп бор БМТ Бош котиби ва ташкилотнинг бошқа юксак мартабали вакиллари билан учрашди. Марказий Осиё минтақасининг глобал масалалари бўйича фикр алмашиш мақсадида мамлакатимизга БМТнинг нуфузли вакиллари бир неча бор ташриф буюрди. Хусусан, 2010 йилнинг апрель ойида амалдаги Бош котиб Пан Ги Мун расмий ташриф билан келди. Унинг ташрифи доирасида ШҲТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида декларация имзолангани минтақамизда интеграция жараёнларини фаоллаштириш, хавфсизликни мустаҳкамлашда мазкур ташкилотларнинг иштирокини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 20 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи ҳам катта қизиқишга сабаб бўлди. Чунки ундаги фикр ва илгари сурилган ғоялар халқаро миқёсда долзарб аҳамиятга эга бўлган муаммоларнинг самарали ечими билан боғлиқдир.

Дунёда тинчлик ва барқарорликни, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни таъминлаш йўлида Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлиги бундан кейин ҳам изчил давом этади.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

# ИСЛОҲОТЛАР — ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунда аграр соҳа ходимларининг билими, тажрибаси ва профессионал маҳорати муҳим ўрин тутади.

Қишлоқ хўжалиги муассасаларида инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш, кадрлар ижодкорлик қобилиятини намоён этиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Бу борада коллеж — корхона — фермер ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур тизимни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Ўқув-семинар жараёнида иштирокчилар давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби мазмун-моҳияти, унда кўтарилган масалаларнинг аҳамияти хусусида атрофлича маълумотга эга бўлдилар.

Шунингдек, тизимдаги мавжуд интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш, интеллектуал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, янги ғоя ва ташаббуслар, инновацион ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиш ҳамда соҳадаги янгиликларни ўқувчиларга етказиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов иштирок этди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

# БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

**Халл университетининг Бизнес мактаби профессори Питер Мюррей (Буюк Британия)** Ўзбекистонда ижтимоий соҳага, жумладан, таълимни ривожлантириш ва ёшларни рағбатлантиришга катта миқдордаги маблағлар ажратилаётгани уни қувонтиришини маълум қилди.

— Мазкур халқаро конференция мамлакат таълим тизими билан яқиндан танишиш, ўзаро ҳамкорлик ва келгусидаги тараққиёт йўлларини аниқлаш учун ажойиб имконият яратди, — деди британиялик профессор. — Тошкентдаги қатор касб-ҳунар коллежлари ва университетларда бўлганимда, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган, интернет-лаборатория, кутубхона, мультимедиа марказларига эга бўлган ўқув муассасаларида таълим олаётган ўзбек ёшларининг заковати юқори даражада эканлиги мени лол қолдирди. Шу ўринда мамлакатингиз педагогларининг юқори малакага эга эканлиги ва уларнинг фидокорлигини ҳам таъкидлашни истар эдим.

**Ж. Неру номидаги университет профессори Пул Бадан (Ҳиндистон)** ушбу конференция дунёнинг етакчи ўқув муассасалари ҳамда жаҳон илм-фан ва эксперт-таҳлил ҳамжамияти орасида катта қизиқиш уйғотганига эътибор қаратди.

— Тошкент конференцияси турли-туман илмий муассасалар вакиллари учрашган майдон бўлди, — деди у. — Анжуман қатнашчилари таълим соҳасини янада такомиллаштириш истиқболлари ва имкониятлари тўғрисидаги ўз ғоялари ҳамда фикрлари билан ўртоқлашдилар. Бунда, албатта, мамлакат мустақиллиги йилларида Ўзбекистон тўплаган тажриба асосий ўрин тутди. Ушбу халқаро илмий-амалий анжуманда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг иштирок этиши таълим тараққиёти мамлакат раҳбариятининг диққат-эътиборида эканлигидан далолат беради. Давлат раҳбарининг конференциядаги нутқи Ўзбекистон таълим тизимининг тараққиёти, бу йўналишда олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича тасаввур ҳосил қилиш имконини яратди.

**Деҳли университети профессори, доктор Ҳолид Мустафо Алви** мазкур конференцияда ўз маърузаси билан қатнашгани ва дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган ҳамкасблари билан ўзаро фикр алмашиш имкониятига эга бўлганидан мамнун эканини айтди.

— Мен таълимни ривожлантириш бўйича Ҳиндистон тажрибасини ўртоқлашганим баробарида, ўзим учун фойдали жуда кўп маълумотларга эга бўлдим, — деди ҳинд олими. — Конференция давомида биз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат кенг кўламли, балки самарадор эканлигига ҳам яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Биз бориб кўрган замонавий ўқув муассасалари Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган улкан ишларнинг ёрқин намунасидир.

Шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг нутқига эътибор қаратишни истар эдим. Мамлакат етакчиси ўз нутқида Ўзбекистоннинг таълим соҳасида эришган муваффақиятлари ҳақида сўзлар экан, кишида катта таассуротлар қолдирадиган қатор далил ва рақамларни келтирди. Хусусан, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида республикадаги деярли барча мактаблар капитал таъмирлангани баробарида, 1500 дан зиёд янги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қурилгани эътиборга молик жараён, деб ўйлайман.

Маълумки, мактаб қуриш қадим замонлардан буён энг хайрли ишлардан бири саналади. Фарзандларимизга яхши таълим бериш — нафақат бизларнинг бурчимиз, балки ҳозирги замоннинг стратегик талаби ҳамдир. Бу жиҳат Ўзбекистонда жуда теран англанишига шахсан шоҳид бўлдим.

**Умумжаҳон қишлоқ хўжалиги ва табиий фанлар бўйича олий таълим уюшмалари конфедерацияси бошқаруви раиси Филипп Шокэ (Франция)** ахборот технологиялари, интернет тараққиёти сингари соҳалар билан бирга, таълимнинг қишлоқ хўжалиги йўналиши ҳам ёшларнинг катта қисми қишлоқ жойларда яшайдиган мамлакат учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида билимларга эга бўлиш экология, иқлим ўзгариши, сув ресурсларини ҳимоя қилиш ва бошқа ҳаётий муҳим масалалар билан бевосита боғлиқдир, — деди у. — Мазкур халқаро форумдаги учрашувлар кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик ривожига ҳам янги туртки беради. Президент Ислом Каримовнинг мамлакат келажаги халқнинг билим даражасига боғлиқ эканлиги, устозга нисбатан ҳурмат эса инсоний қадриятлар ва ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш асосларидан бири ҳисобланиши ҳақида айтган фикрлари мамлакат раҳбариятининг таълим соҳаси ва ёш авлод тарбиясига қай даражада жиддий эътибор қаратаётганидан далолатдир.

**«Жаҳон» АА.**

# Замонавий мажмуа

*Шофирконлик ишбилармон Нортожи Очилов саъй-ҳаракати билан туман марказида қад ростлаган "Ферангиз" мажмуасида маиший техника жиҳозларини тузатиш, пойабзал таъмирлаш, сартарошхона, дорихона каби савдо ва маиший хизмат шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди.*

## Яхши хабар

100 ўринли замонавий ошхона ҳам мижозлар хизматида. Айниқса, "Ферангиз"нинг фойдаланишга топширилиши туфайли йигирмадан зиёд иш ўринлари яратилгани эътиборлидир.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, КОНЦЕРНЛАР, КОРПОРАЦИЯЛАР, БАНКЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2011/2012 ЎҚУВ ЙИЛИДА

## ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича битирувчилар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 108-уй.
Веб-сайт: www.tuit.uz Маълумот учун телефонлар: (+99871) 238-64-60, 238-64-18. Факс: (+99871) 235-10-40.

| Т/р | Таълим йўналиши номи | Битирувчилар сони | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон вилояти | Бухоро вилояти | Жиззах вилояти | Навоий вилояти | Наманган вилояти | Самарқанд вилояти | Сирдарё вилояти | Сурхондарё вилояти | Тошкент вилояти | Фарғона вилояти | Хоразм вилояти | Қашқадарё вилояти | Тошкент шаҳри |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **ЙЎНАЛИШЛАР** | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Касб таълими (Информатика ва ахборот технологиялари) | 142 | 25 | 2 | 5 | 1 | | | 25 | 1 | 3 | 4 | 20 | 26 | 20 | 10 |
| 2. | Касб таълими (телекоммуникация) | 29 | 1 | | 1 | 1 | | | 3 | | 2 | 3 | | 1 | 4 | 13 |
| 3. | Иқтисодиёт (соҳалар бўйича) | 61 | 3 | 4 | 6 | | 6 | 3 | 4 | | 2 | 5 | 3 | 1 | 2 | 22 |
| 4. | Менежмент (соҳалар бўйича) | 79 | 1 | 1 | 15 | 3 | 3 | 5 | 5 | 1 | 2 | 4 | 1 | 5 | 8 | 25 |
| 5. | Информатика ва ахборот технологиялари | 726 | 32 | 14 | 18 | 7 | 10 | 14 | 179 | 3 | 17 | 31 | 151 | 71 | 72 | 107 |
| 6. | Радиотехника | 60 | 1 | 4 | 1 | 1 | 1 | 1 | 6 | 1 | 9 | 14 | 1 | | 6 | 14 |
| 7. | Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш | 109 | | | 1 | 2 | 3 | | 2 | 5 | 7 | 23 | 4 | 2 | 10 | 50 |
| 8. | Телекоммуникация | 367 | 30 | 3 | 17 | 7 | 4 | 7 | 53 | 7 | 11 | 28 | 47 | 24 | 38 | 91 |
| 9. | Ахборот хавфсизлиги | 57 | 3 | 2 | 4 | 3 | 3 | 6 | 3 | | 2 | 8 | 1 | | 3 | 19 |
| 10. | Электрон тижорат | 30 | | 1 | 2 | 2 | 2 | 1 | 4 | | 4 | 2 | | | 3 | 9 |
| 11. | Мобиль алоқа тизимлари | 34 | | 1 | 1 | 1 | 2 | | 1 | | 1 | 9 | | | 3 | 15 |
| 12. | Почта хизмати | 68 | 1 | | 7 | 3 | 2 | 1 | 1 | 2 | 2 | 10 | 1 | 3 | 6 | 29 |
| 13. | Ахборот сервиси | 24 | 1 | 1 | | 1 | | 1 | | | | 4 | | 1 | 4 | 11 |
| 14. | Корхона сервиси (электрон ва компьютер техникаси) | 134 | 20 | | 3 | | 1 | | 26 | | 3 | 4 | 18 | 20 | 29 | 10 |
| 15. | Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик | 40 | | | 1 | | | 1 | | 2 | 6 | 4 | | 2 | 7 | 17 |
| | **ЖАМИ** | **1960** | **118** | **33** | **82** | **32** | **37** | **40** | **312** | **22** | **71** | **153** | **247** | **156** | **215** | **442** |
| | **МУТАХАССИСЛИКЛАР** | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси (Информатика ва ахборот технологияси | 12 | | | 1 | | | 1 | 1 | | | | | 4 | 1 | 4 |
| 2. | Тармоқлар иқтисодиёти (соҳалар бўйича) | 12 | 1 | | 1 | | | 1 | | | | 3 | | | | 6 |
| 3. | Менежмент (соҳалар бўйича) | 14 | 2 | | | | | | 1 | | | | | | 1 | 10 |
| 4. | Компьютер тизимлари ва тармоқлари | 14 | | 1 | 1 | | | 2 | 3 | | 1 | | 2 | | | 4 |
| 5. | Ахборотни бошқариш ва ишлов бериш | 16 | | 1 | 2 | | | | | | | | | 3 | 1 | 9 |
| 6. | Компьютер тизимлари ва тармоқларининг дастурий таъминоти | 38 | | | 3 | 1 | | | 3 | | | 4 | 21 | 1 | 2 | 3 |
| 7. | Амалий информатика | 10 | | | | 1 | | | 1 | | | 2 | | 2 | | 4 |
| 8. | Биотехник тизимларнинг техник ва дастурий таъминоти | 7 | | | 1 | 1 | | | 1 | | | 1 | | | 2 | 1 |
| 9. | Криптография ва криптотаҳлил | 7 | | | 1 | | 1 | | 1 | 1 | | | | | | 3 |
| 10. | Ахборот хавфсизлиги | 13 | | 1 | | 1 | 1 | | 2 | | | 1 | | | 1 | 6 |
| 11. | Радиотехник қурилмалар ва алоқа воситалари | 14 | | | 1 | | 1 | | | | | 3 | 1 | | 1 | 7 |
| 12. | Рақамли телевидение ва радиоэшиттириш | 10 | | | 1 | | | | 1 | | 1 | 1 | 1 | | 1 | 4 |
| 13. | Мобиль алоқа тизимлари | 11 | | | 1 | | | | | 1 | | 2 | 1 | | | 6 |
| 14. | Алоқа тармоқлари, узеллари ва ахборот тақсимоти | 15 | | 1 | | | | 2 | 1 | 1 | | 2 | | | | 8 |
| 15. | Алоқа тармоқлари ва бошқарув тизимлари | 10 | | | | | | | 1 | | | 2 | | | | 7 |
| 16. | Алоқа ва ахборотга ишлов беришнинг оптик тизимлари | 12 | | 1 | | | | | 1 | | | 3 | 1 | | 1 | 5 |
| 17. | Электрон тижорат | 7 | 1 | | | | 1 | | 1 | | | | 1 | | 2 | 1 |
| | **ЖАМИ** | **222** | **4** | **5** | **13** | **4** | **4** | **6** | **18** | **3** | **2** | **24** | **28** | **10** | **13** | **88** |
| | **ТАТУ бўйича ҳаммаси:** | **2182** | **122** | **38** | **95** | **36** | **41** | **46** | **330** | **25** | **73** | **177** | **275** | **166** | **228** | **530** |

327R/183


## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

*(ҚҚС билан)*



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича** Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар X42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

130R/97

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

## O'ZSANOATQURILISHBANK

**«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ банкка тегишли бўлган, Тошкент шаҳри Алишер Навоий кўчасида қуриб битказилаётган 7 қаватли тураржой биносининг ертўла, 1 ва 2-қаватларида жойлашган савдо ҳамда фитнес-марказ учун мўлжалланган мажмуаларни сотиб олиш истагини билдирган инвесторларни таклиф этади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефон: (8-371) 120-36-16.**

323R/

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Мичурин дала ҳовличилар» ҳудудида жойлашган, 67-сонли дала ҳовли арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 205 667 404,43 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 19 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 16 март куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

325-1R/1441

***Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият!***

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

***«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.***

325-2R/1441

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатга қўйиш инспекцияси томонидан 2009 йил 22 апрелда 69-сон билан рўйхатга олинган **«BO'STON QANDOLAT» МЧЖ** (СТИР: 301154844) муассисининг 2012 йил 27 февралдаги 46-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ.**

Барча даъво ва эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади:
**Тошкент шаҳри, Муқимий 1-тор кўчаси, 9-уй.**
**Телефон: (8-371) 120-39-84.**

326R/15

"Transneftkomplekt" компанияси «Ижевский автомобильный завод» ОАЖнинг автомобилларини таклиф этади

## "ИЖ АВТО" АВТОМОБИЛЛАРИ




**Тел.: (+998 71) 235 93 53, (+998 97) 111 35 24, (+998 97) 102 96 00, (+998 71) 150 48 20.**
**E-mail: transneft66@mail.ru**
Буюртма бўйича

TRIANGLE® — Transneftkomplekt

Хитойдаги етакчи ишлаб чиқарувчининг Тошкентдаги омборида




## АВТОШИНАЛАР

**ЮК АВТОМОБИЛЛАРИ ВА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР УЧУН**

**Улгуржи харидорларга ЧЕГИРМАЛАР!**

Маҳсулот сертификатланган
Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 29-уй. Мўлжал: метронинг «Пахтакор» бекати.
Тел.: (+998 71) 235-93-53, (+998 97) 111-35-24, (+998 97) 102-96-00.
E-mail: transneft66@mail.ru
* Автошиналарни буюртма бўйича етказиб беришни таклиф этамиз!

302R/1126


"Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси таниқли киноактриса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Тамара Ҳалимовна ШАКИРОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Газета ва газетхон:

# ЮЗМА-ЮЗ



*— Педагогика коллежини битириб, коллежда ўқитувчи сифатида ишлаш мумкинми?*

**Ҳ. НАВРЎЗОВА.**
Самарқанд шаҳри

## Кичик мутахассислар тайёрланади

— Бугунги кунда республикамиз педагогика коллежларида қуйидаги касблар бўйича кичик мутахассислар тайёрланади:

мусиқа ходими; ихтисослаштирилган (махсус) ва бошланғич таълим муассасалари тарбиячиси; мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси; жисмоний тарбия ва болалар спорти бўйича мураббий; мактабгача таълим муассасалари тарбиячиси.

Касб-ҳунар коллежларида юқорида номлари келтирилган касблар бўйича фаолият кўрсатиши мумкин бўлган лавозимлар мавжуд эмас.

**Х. ЗИКРИЛЛАЕВ,**
**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари.**

## МУСИҚА ВА МЕЪЁР

**— Кўча-кўйда айрим ёш-яланглар автомобилларининг аудиотизимини жуда ҳам юқори қувватли овоз кучайтиргич карнайлар билан жиҳозлаб, мусиқани баланд қилиб кетишаётганига кўп бор гувоҳ бўламиз. Табиийки, қулоқни қоматга келтирувчи бундай шовқин-сурон атрофдагиларга, бир йўналишда ёнма-ён кетаётган ҳайдовчию йўловчиларга жуда малол келади. Айниқса, ҳали у қадар тажрибага эга бўлмаган ёш ҳайдовчиларнинг ҳаракатланиш хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиб, улар эътиборини чалғитиши, натижада бирор кор-ҳол юз бериши ҳам мумкин. Бунинг олдини олиш бўйича қоида жорий қилинса бўлмасмикин?**

**Л. МАНСУРОВ.**
Янгийўл тумани

— Бундай ҳолатлар, аввало, ҳар бир инсоннинг одоб-ахлоқ даражасига, маданиятига боғлиқ. Албатта, мусиқа маънавий озуқа манбаи ҳисобланади. Лекин уни эшитишнинг ҳам ўзига яраша меъёри бор. Ёш ҳайдовчиларимизнинг қуюшқондан чиқадиган бундай қилмиши, биринчи навбатда, оила даврасида кўрилиши лозим. Агар фақатгина жарима ёки бошқа бирор чора қўллаш билан тартиб-интизомни йўлга қўйиш мумкин бўлганида эди, қоидабузарликлар сони анча камаярди. Демак, бундай масалаларда ота-оналар, ёши улуғ инсонларнинг маслаҳати, панд-насиҳати муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг "Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш" деб номланган 192-моддасида шундай дейилади:

"Тунги вақтда — соат 23.00 дан 6.00 гача — фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овоз билан қўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш сигналлари бериш, хонадонларда, турар-жойларнинг йўлаклари ва эшикларида, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш, турар-жой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек, маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш,

— фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса — учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса,

— фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади".

**Х. САЙДАЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи.**

**— "Қишлоқ қурилиш банк"дан ўғлим учун таълим кредити олгандик. Мен ва аёлим II гуруҳ ногиронимиз. Марказий банкнинг йўриқномасида кам таъминланган оилаларга кредит фоизининг ярмини меҳнат биржаси тўлаб беради, дейилган. Биржага мурожаат қилсак, улар: "Сиз билан тўрт томонлама битим имзоласак тўлаймиз", дея хат орқали жавоб қайтаришди. Банк билан уч томонлама шартнома тузганмиз-ку? Таълим кредитининг фоизини ҳам тўлиқ ўз ҳисобимиздан тўлаб келаяпмиз. Ушбу масалага ойдинлик киритсангиз.**

**Т. БОЙМАНОВ.**
Янгиобод тумани

## Ижтимоий ҳимоянинг амалий ифодаси

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли қарори билан тасдиқланган "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги Низом"нинг 6-бандига асосан, кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Кўрсатиб ўтилган имтиёзга ҳуқуқли бўлган оилалар амалдаги тартиб-қоидага мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади.

Ушбу Низомнинг 13-бандига мувофиқ, кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларнинг ўқишига таълим кредитлари бериш учун ҳар бир томоннинг мазкур Низомдан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган ҳолда банк, қарз олувчи, олий таълим муассасаси ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ўртасида кўп томонлама кредит шартномаси тузилиши лозим.

**Ш. ҲАЙДАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари.**

*— Ўриндошлик асосида иккита муассасада ишлайман. Яқинда пенсияга чиқаман. Менга ҳар иккала идорадан олган маошимдан келиб чиқиб пенсия тайинланадими?*

**Б. МУҲАММАДИЕВ.**
Шўрчи тумани

## Пенсияни ҳисоблаш тартиби

— Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг 32-моддасига асосан, қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадаллари ҳисобланадиган иш ҳақининг барча турлари пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига қўшилади.

**М. ЗИЯДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг биринчи ўринбосари.**

**— Автомобилларни сақлаш жойларида бир нарса шаклланган: транспортингиз у жойда қанча туришидан қатъи назар, бир хил нарх тўлайсиз. Аслида пул машина турган вақтга қараб олинмайдими?**

**Ф. ХЎЖАЕВ.**
Вобкент тумани

## Тарифни ким белгилайди?

— Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 апрелдаги "Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва мазкур қарор билан тасдиқланган Низом асосида амалга оширилади.

Ана шу Низомнинг 12-бандида автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўлов тарифлари автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматларни кўрсатувчи юридик шахслар томонидан белгиланиши, бироқ ушбу хизматлар тури учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ўрнатилган тўловнинг чекланган миқдоридан юқори бўлмаган тарифлар бўйича белгиланиши лозимлиги қайд этилган.

**О. РУСТАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари.**



*— Қўл телефонимни йўқотиб қўйдим. Топишда ёрдам беришларини сўраб, ички ишлар бўлимига мурожаат қилдим. Мендан телефонимнинг серия рақамини сўрашди. У қутисида ёзилган бўларкан, аксига олиб, телефон қутисини ҳам уйдан тополмадим. Танишларим "Маҳсулотни харид қилган дўконингизга боринг, улар ана шу рақамни қайд қилиб қўйган бўлишса керак", дейишди. Бордим. Лекин дўкон ходими ҳам ёзиб қўймаган экан. Хўш, бундай вазиятда муаммо қандай ҳал қилинади?*

**Ф. ТЎРАЕВ.**
Амударё тумани

## «Қўл телефонимни қандай топаман?»




— Аслида ҳар бир харидор мобиль телефони сотиб олганида дўкондаёқ товарнинг сифати, унинг бутлиги, унга тааллуқли ҳужжатларнинг мавжудлиги, нархи тўғрилигини текшириб олиши керак. Шу билан бирга, касса чеки ва кафолат муддати ёзилган талонни олишни ҳам ёддан чиқармаслиги лозим. Сиз айтаётган ҳолатда эса ички ишлар бўлими томонидан сўралган талаб бажарилиши керак бўлади.

**А. ЭРГАШЕВ,**
**Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси ўринбосари.**

*— Зараркунанда ҳашаротлар туфайли икки йилдан бери ҳовлимдаги олча дарахти яхши мева бермаяпти. Барглари ўз-ўзидан қуриб қолади, пишай деб турган меваси ҳам тўкилиб кетади. Бу қандай касаллик? Унга қарши қандай чора кўриш мумкин?*

**А. ТУРСУНОВ.**
Поп тумани

## Тавсия биздан, қўллаш сиздан

— Одатда, олча дарахти баргларини олча арракаши (шилимшиқ моддага ўралган қурт) еб, унга зарар етказади. Натижада барглар қурийди ва мевалар тўкила бошлайди. Агарда зараркунанда ҳашаротга беэътибор бўлинса, у яқин атрофда ўсаётган гилос дарахтига ҳам худди шундай зиён етказиши мумкин.

Қуртлар дарахт баргида май ойининг биринчи ярмидан пайдо бўла бошлайди. Шу даврда унга қарши қуйидаги кимёвий препаратларнинг бирини пуркаш тавсия этилади:

Би-58 (янги), 40 % эм. к. — 2.0 л/га; Данадим, 40 % эм. к. — 2.0 л/га; Фуфанон, 57 % эм. к — 2.0-3.0 л/га; Карбофос, 50 % эм. к. — 2.0-3.0 л/га.

Биз таклиф этган воситаларни амалда синаб кўриш сиздан. Умид қиламизки, боғингиздан сифатли ва баракали ҳосил йиғиб оласиз.

**А. САГДУЛЛАЕВ,**
**Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти директори.**

## Саёҳат – кўнгилга роҳат

— Хорижий давлатларга сайёҳ сифатида чиқишда туристик фирмалар кўмагидан фойдаланмоқчиман. Бизда шундай фирмалар борми? Улар мижозларга қайси масалаларда ёрдам кўрсатишади?

**М. ЖУМАНИЯЗОВ.**
Шовот тумани

— Бугунги кунда мамлакатимизда туризм фаолияти билан шуғулланувчи 450 дан зиёд туристик ташкилотлар мавжуд. Улар сайёҳларга кўплаб масалалар, хусусан, авиабилетларни брон қилиш ва сотиб олиш, суғурта, меҳмонхоналарни брон қилиш, экскурсиялар уюштириш, транспорт хизматларини ташкил этиш ва туристларнинг дам олиши билан боғлиқ бўлган бошқа эҳтиёжларни қондиришда кўмаклашадилар. Булардан ташқари, улар саёҳатга оид барча маълумотлар(ташриф буюраётган мамлакат ички тартиб-қоидалари, виза, божхона тўловлари ҳақида ва ҳоказо)ни тақдим этишади.

**Р. МИРЗАЕВ,**
**«Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси.**

***— Интернетда веб-сайтим бор. Ундан фойдаланувчиларга мамлакатимиздаги FM радиоканалларини эшита олиш имкониятини яратиб бермоқчи эдим. Бунинг учун кимга мурожаат қилишим керак?***

**Ж. МАВЛОНОВ.**
Учтепа тумани

## Интернетда радио

— Интернетда радиоэшиттиришларни ташкил этиш бўйича фаолият Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (http://uzapi.gov.uz/) томонидан бериладиган оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (www.aci.uz) томонидан маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган лицензияга асосан амалга оширилади. Бунда корхона томонидан ўзига тегишли маълумотлар узатиш тармоқлари ускунаси қўлланилса, маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш фаолиятига ҳам лицензия олиш зарур.

Агар корхона томонидан тегишли лицензияга эга бўлган маълумотлар узатиш тармоқлари операторларининг ускунаси қўлланилса, маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга лицензия олиш билан чегараланиш мумкин ва бунда маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш учун лицензия олиш талаб этилмайди.

**А. ИШАНХОДЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари.**

***— Синов муддати билан ишга олинган ходим кутилмаганда касал бўлиб, бир неча кун таътил олса, синов муддати ўзгарадими?***

**Э. ТЎРАЕВ.**
Ўзбекистон тумани

## Дастлабки синов муддати

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 85-моддасига асосан, дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетмаслиги лозим.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди.

Кодекснинг 86-моддасида дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади деб белгиланган. Шунингдек, дастлабки синов даври ҳам меҳнат стажига киритилади.

**Д. МАТРАСУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси бошлиғи.**



Яна саволларингиз борми, муҳтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 106 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5